

## Марказий Осиё тоғлари табиатини асраш

- Инфратузилмалар лойиҳаларининг ишлаб чиқувчилари,
- ижрочилари ва жамоатчилик кузатувчилари учун
- эслатма ва воситалар





**CRITICAL ECOSYSTEM**  
PARTNERSHIP FUND

**Марказий Осиё тоғлари табиатини асраш, 2021**

**CEPF жамғармаси ([www.cepf.net](http://www.cepf.net)) кўмагида Zoi экологик тармоғи ([www.zoinet.org](http://www.zoinet.org)) томонидан тайёрланган.**

**Асосий ғоя муаллифлари:** Виктор Новиков, Фируза Илларионова

**Тузувчилар:** Каныбек Исабаев, Гамал Соронкулов, Айгерим Абдужапарова

**Иллюстратор:** Руслан Валитов

**Безакчи:** Ярослав Тартыков

Тузувчилар жамоат экологик уюшмалари, Марказий Осиё мамлакатлари фуқаролари ва ташкилотларнинг ташаббускор гуруҳлари ушбу нашр материалларидан ўз ишларида фойдаланишларига умид қиладилар. Барча маълумотлар танланган ва соддалаштирилган шаклда тақдим этилди.



## **Нейматулло Махмадуллоевич Сафаровнинг**

ёрқин хотирасига бағишланади

1944–2021 йиллар

2021-йил 22-август куни таниқли тожик биологи, биология фанлари доктори, тажрибали раҳбар ва Тожикистонда хизмат кўрсатган ходим, Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция координатори Нейматулло Махмадуллоевич Сафаров вафот этди. У ҳаётининг 40 йилини ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ўрганиш масалаларига бағишлаган, ўз соҳасининг зўр жонкуяри ва йирик мутахассиси, ҳалол, шижоатли ва дилбар инсон эди.


Унинг раҳбарлигида Тожикистоннинг табиатни муҳофаза қилиш ва экология масалаларида асосий режалари ишлаб чиқилди, Биохилма-хиллик ва биохавфсизлик миллий маркази яратилди, табиий ресурслар ва биологик хилма-хилликнинг асосий ҳудудларини хариталаш, экологик маълумотлар базаларини яратиш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларини асраш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тармоғини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва биологик хилма-хилликни таъминлаш бўйича йирик халқаро лойиҳалар ишга туширилди.

У Марказий Осиё ва жаҳон билим марказларидаги ҳамкасблари – олимлар, сиёсатчилар, жамоат арбоблари билан яқин алоқалар ўрнатди ва бутун фаолияти давомида улар билан ҳамкорлик қилиб келди. Унинг илмий ва ижтимоий ҳаётга қўшган улкан ҳиссаси биз билан қолади ва унинг шогирдлари, ҳамкорлари ва яқин кишилари томонидан ривожлантирилади.


Устоз хотираси муқаддас. Унинг иши давом этади.

# Марказий Осиё тоғлари табиатини асраш


## МУНДАРИЖА



# Тоғ-кон саноати ва табиат: асосий муаммолар



## Тоғ-кон саноати: экологик таъсирлар ва оқибатлар




Портлашлар ва тебранишлар




Бўш жинслар палахсалари ва  
чиқиндилар




Атмосферага ташланмалар, ифосланган  
сувларни чиқариб ташлаш



Яйловларнинг бузилиши ва ифосланиши



Техникадан чиқувчи чанг ва шовқин



Иқлим ўзгариши ва табиий офатларнинг  
чиқиндиларни сақлаш хавфсизлигига таъсири.

## Тоғ-кон саноати ва табиат: ечимлар




Компанияларни ёввойи табиатни мониторинг қилиш ва сақлаш тадбирларига жалб қилиш.



Саноат майдончаларидаги доимий экологик назорат.



Табиатни асраш бўйича Маҳаллий аҳолининг фикрлари ва жамоатчилик ташкилотларининг таклифларини ҳисобга олиш.



Саноат майдончалари тўсиқларини ўрнатиш ва қўриқланувчи табиат ҳудудларидан фойдаланилишига йўл қўймаслик.



Турларни ўрганиш ва сақлаб қолиш ҳамда экологик вазиятни яхшилаш бўйича маҳаллий тадбирлар ва лойиҳаларга ҳомийлик қилиш.



Саноат ишларининг яқунланиши билан табиатни қайта тиклаш (рекультивация қилиш).


# Оммавий туризм ва табиат: асосий муаммолар




## Оммавий туризм: атроф-муҳитга таъсири ва оқибатлари




Ўрмон ёнғинлари вужудга келиши хавфи.  
Ғорлар қўриқланишининг бузилиши.



Ёввойи ҳайвонларни ноқонуний овлаш.  
Ноёб ўсимликларнинг назоратсиз терилиши.




Оммавий дам олиш жойларда ифлосланишлар ва  
чиқиндиларнинг тўпланиши.



Табиий боғлар ва дам олиш масканларига сайёҳларнинг  
ҳаддан ташқари кўп келиши.

## Оммавий туризм ва табиат: ечимлар



Қаттиқ муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлардан фойдаланишнинг олдини олиш.



Ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб ва хавф остидаги турларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда туристик базаларни жойлаштириш.



Туристлар ва аҳоли томонидан нодир ўсимликларнинг тийғилишини чеклаш ва назорат қилиш.



Юқори экологик стандартлар, Чиқиндиларни алоҳида тўплаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш.




Оммавий туризм ривожланган жойларда экологик баҳолашни ўтказиш.




Қимматбаҳо ўрмонларни кесишни тақиқлаш ва сайёҳлик мақсадлари учун ёввойи табиатни ўзлаштиришни чеклаш.


# Транспорт-энергетика инфратузилмаси ва табиат: асосий муаммолар




# Йўллар: экологик таъсирлар ва оқибатлар




Йўлларнинг ривожланиши муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Улар аҳоли ва компанияларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш имкониятини яхшилайдди.



Йўлларни қуриш нодир ва заиф ўсимлик ва ҳайвон турларига таъсир қилиши мумкин.




Жадал ҳаракатланишга эга бўлган йўллар ва улар билан боғлиқ тўсиқлар кўчиб юрвчи ҳайвон турларига салбий таъсир кўрсатади.



Экологияни муҳофаза қилиш чораларини ҳисобга олмасдан темир йўллар ва транспорт йўлаклари тармоғини қуриш ва кенгайтириш кўчиб юрвчи турларнинг яшаш жойлари парчаланишига ва қисқаришига олиб келади.

## Стратегик экологик баҳолаш




Табиат асосий йўллар ривожланишидан олдин...

... ва улар қурилганидан кейин.




Тоғли ва бошқа заиф экотизимлар орқали ўтадиган транспорт йўлаклари ва асосий йўлларни режалаштириш стратегик экологик баҳолашни талаб қилади.


## Энергетика: экологик таъсирлар ва оқибатлар




«Яшил» энергетиканинг кенг қўламли объектлари табиатга таъсир кўрсатиши мумкин ва улар экологик баҳолаш (ОВОС) ўтказилишини талаб қилади.



Энергетика инфратузилмаларини ривожлантириш ноёб ва заиф турлар ҳамда уларнинг яшаш жойларига таъсир қилиши мумкин.




Қувурлар йўллар ва тўсиқлар билан биргаликда ҳайвонлар миграцияси имкониятилари ва йўлларини чеклаб қўйиши мумкин.




Авариялар ва энергия манбаларининг оқиб кетиши ёввойи табиат ва заиф турларга зарар етказиши мумкин.

## Транспорт, энергетика ва табиат: ечимлар



Кўчиб юрвчи турлар учун инфратузилма устидаги ўтиш йўллари.




Кўчиб юрвчи турлар учун инфратузилма устидаги ўтиш йўллари.




Ҳайдовчилар учун огоҳлантирувчи белгилар ва тунда ҳаракатлишни тартибга солиш.



Инфратузилмаларни қуришда турлар ва жойларнинг экологик ўзига хосликларини ҳисобга олиш.



Таъсирларни камайтириш бўйича техник ечимлар: ўлчамлар, тузилиш ва дизайн.



Табиат асосидаги ечимлар ҳамда транспорт ва энергетиканинг экологиклигини ошириш.

## Ўввойи табиатга бошқа таъсир омиллари




Табиий ресурсларга бўлган юқори юкланма: ҳайвонларни интенсив ўтлатиш, ёнғоқларни йиғиш ва ўрмонларни бошқаришнинг нобарқарор амалиёти.



Инвазив ёт турлар маҳаллий туб турларни сиқиб чиқаради ва ўрнини эгаллайди: шаҳар ва сув экологик муҳити учун хатарлар.




Иқлим ўзгариши таъсирчан турлар, экотизим ва биологик жараёнлар – мавсумий миграция, гуллаш муддатлари кабиларга таъсир кўрсатади.



Чегаралар бўйлаб тўсиқлар турлар миграциясига тўсиқлик қилади.

# Инфратузилмани ривожлантиришда ёввойи табиатнинг муҳофазаланганлиги




# Жамоатчилик иштироки ва ҳиссаси



Жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш ва натижаларни давлат органларига юбориш.




ОАВ эътиборини жалб қилиш, журналистик суриштирувлар.



Лойиҳаларнинг жамоатчилик экологик мониторинги ҳудудий тармоқларини ривожлантириш.



Компания ва уни молиялаштирувчи ташилотларга сўровлар ва шикоятлар юбориш.



Лойиҳалар, режалар ва расмий ҳужжатлар билан ваколатли давлат органлари ва компанияларнинг веб-сайтларида танишиб чиқиш.



Маслаҳатлар олиш учун нуфузли олимлар ва мустақил экспертларга мурожаат қилиш.

## Жамоатчилик иштироки ва ҳиссаси




Экологик масалалар бўйича петициялар учун имзолар тўплаш.



Инфратузилма лойиҳаларининг экологик жиҳатлари бўйича давра суҳбатларини ташкиллаштириш.



Лойиҳаларнинг амалга оширилишини назорат қилувчи ва амалга оширишга рухсат берувчи ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш.



Жамоатчилик назорати, табиатни асраш дружиналари.



Давлат органлари ва маҳаллий ҳокимиятлар билан биргаликдаги экологик инспекция.




Ташқи баҳолаш учун халқаро ташкилотларга мурожаат қилиш.

# Халқаро конвенциялар, воситалар ва амалиёт



Экологияга оид маълумот  
Оммавий Ахборот Воситалари  
Жамоатчилик  
Одил судлов  
эшитувлар  
Фуқароларнинг одил судлов ва экологияга оид маълумотларни олиш эркинлиги тўғрисидаги Орхус конвенцияси.




Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юривчи турларини сақлаш бўйича Бонн конвенцияси.



Йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенцияси (СИТЕС / CITES)



Халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ ерлар тўғрисидаги Рамсар конвенцияси.



Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция.



Экотизимларни қайта тиклаш халқаро ўн йиллиги (2021–2030), биологик хилма-хилликни сақлаш миллий ҳаракатлар режалари.

## Халқаро конвенциялар, воситалар ва амалиёт



Заҳарли моддалар ва чиқиндилар бўйича Минамата, Стокгольм ва Базел конвенциялари.



Саноат авариялари тўғрисидаги конвенция, бошқа стандартлар ва талаблар.



Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича конвенция (Эспо), асосий тамойиллар ва воситалар.



Корхоналар учун экологик стандартлар ва сертификатлар: ISO 14000 ва бошқалар.




Компанияларнинг ижтимоий-экологик кўрсаткичлари (ESG), уларнинг ижтимоий обрўси ва ҳисоботларининг шаффофлиги.



Экологик стандартлар ва инвесторларнинг талаблари: «Белбоғ ва йўл» ва халқаро ривожланиш банкларининг яшил тамойиллари.

# Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро иттифоқининг (ТАХИ) Биохилма-хилликнинг муҳим районлари (БМТ) бўйича глобал стандарти




# Марказий Осиёдаги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг асосий тоифалари




## Қўриқхоналар (ТАХИ I)

хўжалик фаолияти тақиқланган ва илмий мақсадлардан ташқари ташриф буюриш чекланган табиат қаттиқ муҳофаза қилинадиган ҳудудлар.




## Миллий табиий боғлар (ТАХИ II)

хўжалик фаолияти тақиқланган, бироқ туристлар ва маҳаллий аҳоли ташриф буюриши чекланмаган табиий ҳудудлар.




## Қўриқхоналар (ТАХИ IV)

Инсон фаолияти чекланган маҳаллий аҳамиятга эга табиий ҳудудлар. Туристлар, аҳоли ва айрим турдаги лойиҳаларга рұхсат берилди.




## Ов майдонлари

Ёввойи ҳайвонларни асраш ва қатъий тартибга солинадиган ов учун ажратилган ҳудудлар. Туристлар, аҳоли ва инфратузилма лойиҳаларига рұхсат берилди.



## Сувни муҳофаза қилиш зоналари

Дарё ўзанларини ифлосланиши ва ўзгартирилишига, шу жумладан қум ва шағал қазиб олишга йўл қўйилмайдиган ҳудудлар.



## Табиат ёдгорликлари

Ноёб хусусиятла ва юқори тарихий ва ижтимоий аҳамиятга эга табиий объектлар.

